# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 24 май, № 100 (5774) Жума


## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга 23 май куни Оқсаройда Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналарнинг раҳбарлари этиб тайинланган — Европа Иттифоқи Делегацияси раҳбари, Элчи Юрий Штерк ва Япониянинг Фавқулодда ва мухтор элчиси Фумихико Като ишонч ёрлиқлари топширди.*

Давлатимиз раҳбари дипломатларни масъулиятли ва шарафли миссия бошлаётгани муносабати билан қутлаб, мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги йўлида икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришда уларга муваффақиятлар тилади.

ЕИ Элчиси билан суҳбат чоғида Ўзбекистон Европа Иттифоқи ва умуман, Европа мамлакатлари билан самарали ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида аҳамият бериши қайд этилди.

Бугунги кунда ЕИ — Ўзбекистон шаклидаги алоқаларда ва 2007 йилда қабул қилинган ва мамлакатимиз томонидан қўллаб-қувватланган "Евроиттифоқнинг Марказий Осиё билан янги шериклик стратегияси" дастурини ижро этиш доирасида нафақат ижобий ўзгаришларни сақлаб қолиш, балки ўсишни изчил давом эттириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Учрашувда томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар, жумладан, Афғонистондаги вазият юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Элчи Юрий Штерк, ўз навбатида, Ўзбекистон билан Евроиттифоқ ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, ўзаро манфаатли ва конструктив ҳамкорликни кенгайтириш учун бор куч-ғайратини аямаслигини таъкидлади.

Японияning мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фумихико Като билан суҳбат асосида Ўзбекистон Японияга муҳим ва вақт синовидан ўтган узоқ муддатли ҳамкорлардан бири сифатида қараши, муносабатларимиз 2002 йилда имзоланган Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот асосида ривожланаётгани қайд этилди.

Томонлар самарали ҳамкорлик бўйича биргаликда тўпланган тажриба асосида Ўзбекистон — Япония сиёсий мулоқотини, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги муносабатларни мустаҳкамламоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Япония ва Япония — Ўзбекистон қўмиталарининг март ойида Тошкентда бўлиб ўтган 11-қўшма мажлиси мамлакатларимиз ишбилармон доиралари ўртасидаги ўзаро манфаатли сармоявий ҳамкорлик улкан салоҳиятга эга эканини намоён этди. Хусусан, саноатнинг юқори технологияли тармоқлари ва хизмат кўрсатиш соҳасида замонавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдан икки томон ҳам манфаатдор.

Элчи Фумихико Като ўз миссиясини Япония билан Ўзбекистон ўртасидаги узоқ муддатли алоқаларни мустаҳкамлашга, давлатлараро битимларни амалиётга татбиқ этишга хизмат қилишдан иборат деб билишини ва бу йўлда бор куч-ғайрати ва тажрибасини ишга солишини таъкидлади.

**(ЎзА).**

## Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор

Кеча пойтахтимизда республика Китоб байрамининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

*Мамлакатимизда истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш, улар қалбида Ватанга садоқат, қадриятларга чуқур эҳтиром туйғусини сингдиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу каби эзгу мақсадларга эришишда эса илм ўрганиш, хусусан, китобга ошно тутинишнинг аҳамияти беқиёс.*

**КИТОБ БАЙРАМИ**

Шу маънода, Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, республика Маънавият тарғибот маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Ўзкитобсавдотаъминоти" масъулияти чекланган жамияти, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" шиори остида ташкил этилган мазкур тадбир алоҳида мазмун-моҳиятга эга.

Тадбирда республикамизда фаолият кўрсатаётган 100 дан зиёд нашриётлар, матбаа корхоналари, китоб савдоси ташкилотлари ўз маҳсулотлари билан иштирок этиши, ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар ўтказилиши анжуман меҳмонлари — ўқувчилар, талаба-ёшлар, уларнинг ота-оналари, умуман, кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди.

(Давоми 2-бетда).

## Тошкент анжуманининг якунлари — япониялик мутахассислар нигоҳида

Яқинда Токио университетида жорий йил 16-17 апрель кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган "Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили" мавзуидаги халқаро конференция якунларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Токио университетининг профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари ҳамда талабалари қатнашган ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг халқаро конференция очилишидаги нутқи, мамлакатимизнинг иқтисодий ва сайёҳлик салоҳиятига доир маълумотлар мулоқотларнинг асосий мавзуи бўлди.

Тошкент халқаро конференциясида иштирок этган япониялик экспертлар мамлакатимизнинг турли вилоятларига уюштирган сафарлари ва жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилишидан олган таассуротларини давра суҳбати қатнашчилари билан ўртоқлашдилар.

**Токио университети профессори Йошиюки Кавазое** халқаро анжуман иштирокчилари Ўзбекистонда қишлоқ жойларда янги уй-жой мажмуаларини бунёд этиш орқали мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини юксалтириш бўйича амалга оширилаётган ишларга бевосита гувоҳ бўлишганини таъкидлади. Унинг айтишича, намунавий лойиҳалар асосида қурилган қулай ва шинам уйлар ҳамда ижтимоий аҳамиятга молик турли муассасалар конференция қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Меъморчилик ва дизайн йўналишида фаолият юритадиган **"Okano Planning Associates" компанияси президенти Макото Окано**нинг сўзларига қараганда, Ўзбекистон қишлоқларида қурилган уйлар замонавий дизайнга эга бўлгани ҳолда, ўзида миллий меъморчилик анъаналарини ҳам мужассамлаштирган. Мазкур уй-жойлар қурилишида юқори сифатли маҳаллий хом ашёлардан фойдаланилиши эса Ўзбекистонда қурилиш саноати тобора ривожланиб бораётганидан далолат беради.

— Тошкент анжумани бутун дунёдан келган экспертларга ўзаро фикр алмашиш, меъморчилик, қурилиш ташкилотлари ва тармоқ ўқув муассасалари вакиллари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан учрашувлар ўтказиш учун яхши имконият яратди, — деди М. Окано.

(Давоми 2-бетда).

## Водий ёшлари фестивали

***Наманганда ташкил этилган ёшлар фестивалида Фарғона водийси вилоятларининг фаол йигит-қизлари иштирок этдилар.***

**ТАДБИР**

Ёш авлоднинг ижтимоий фаоллигини ошириш, миллий қадрият ва анъаналарга ҳурмат ҳиссини шакллантириш, халқ ўйинларини тарғиб қилиш мақсадида ўтказилган ушбу анжуман турли маданий-маърифий, кўнгилочар тадбирлар билан ўзига хос жўшқинлик касб этди. Жумладан, вилоят марказидаги "Камолот" ёшлар боғида уюштирилган "Миллий қадриятлар — менинг нигоҳимда" мавзуидаги расмлар танлови, "Соғлом турмуш тарзи — бахтли келажак пойдевори" шиори остидаги қувноқ стартлар ва арқон тортиш мусобақаси, баҳру байт айтишувларида ёш иқтидор эгалари ўз салоҳиятларини намойиш қилдилар.

Фестиваль якунида "Ёшлар маркази"да ташкил этилган мусобақа ва танловлар ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИНИНГ ОЧИҚ ВА ОШКОРАЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Ўқув марказида молия органларининг давлат харидлари билан шуғулланадиган ходимлари учун давлат харидлари тизимини такомиллаштириш, уларнинг очиқ ва ошкоралигини таъминлаш мавзусига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.*

Андижон, Самарқанд ва Хоразм вилоятлари молия органлари ходимлари иштирокида реал вақт режимида видеоконференция шаклида ўтказилган ушбу семинар Молия вазирлиги ҳузуридаги Ўқув маркази, Савдо-саноат палатаси, Бош прокуратура ҳамда бошқа идоралар томонидан ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари, Ғазначилик бошлиғи Б. Ашрафхонов, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси С. Жабборов, Савдо-саноат палатаси раиси А. Шайхов ва бошқалар давлат харидлари иқтисодий сиёсатнинг муҳим воситаси эканини таъкидлади. Зеро, улар Давлат бюджети маблағларидан самарали фойдаланиш, кичик бизнеснинг товарлар етказиб бериш учун давлат буюртмаларини олиш имкониятларини кенгайтириш, рақобатни янада ривожлантиришни таъминлайди. Шу боис Ўзбекистонда давлат томонидан харид қилиш фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат буюртмаларини олиш ҳамда хусусий секторни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик базасини яратиш каби механизмлар ҳисобидан рағбатлантириш зарурлиги алоҳида қайд этилган.

Тадбирда бугун давлат харидлари масалалари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси нормалари, давлатимиз раҳбарининг Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, шунингдек, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинаётгани уқтирилди. Шу билан бирга, мазкур соҳани тартибга солаётган амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштиришга доир самарали ишлар амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИК

### — тараққиётнинг муҳим омили

*Бугун нодавлат нотижорат ташкилотлари жамият ҳаётининг барча жабҳаларида фаол иштирок этмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотлари демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланаётгани алоҳида қайд этилган.*

**КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ**

Дарҳақиқат, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинаётган чора-тадбирлар юртимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида долзарб аҳамият касб этаётир. Фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, ННТ фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириши учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳудудий дастурларни бажаришда, гуманитар муаммоларни ҳал этишда, аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишда фаол қатнашмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг бу борадаги ҳиссаси катта бўлаётганлигини айтиш зарур.

(Давоми 2-бетда).

## Мактабдан — лицей, коллежга

*Истиқлол йилларида Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзининг ёрқин самараларини бермоқда.*

**ТАЪЛИМ**

Хусусан, ўрта бўғин мутахассисларига бўлган эҳтиёжни қондириш, умумтаълим мактаб битирувчиларини касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ўқитиш билан тўлиқ қамраб олиш таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотларнинг туб мазмун-моҳиятини ташкил этади. Бу борада, айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қилинган "2013/2014 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларига қабул тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамиятга эга.

— Мамлакатимиз таълим тизимида йўлга қўйилган 12 йиллик умумтаълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ноёблиги ва ўзига хослиги билан ажралиб туради, — дейди Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори ўринбосари Хайрулла Зикриллаев. — Унга кўра, ёш авлод дастлаб тўққиз йил умумтаълим мактабларида, кейин яна уч йил давомида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда бепул сабоқ олади. Бу эса 9-синфни битираётган, мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшларимизга мукаммал сабоқ бериш, уларнинг бирор касб ёки ҳунар этагини тутишига кўмаклашишда муҳим вазифани ўтайди. Ушбу қарорга мувофиқ, жорий йилда 534 минг нафар 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига қамраб олиш кўзда тутилган. Шундан 499 минг нафардан кўпроқ ўқувчи коллежларга, 34 мингдан ортиқроғи эса академик лицейларга жалб қилинади.

(Давоми 2-бетда).

# ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИК

## — тараққиётнинг муҳим омили

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мазкур жамоат фонди ва ушбу фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси ўтган беш йиллик фаолияти давомида ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг демократик тамойиллар асосида эркин иш юритиши ва чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилган вазифаларни изчил ва тизимли равишда бажариб келмоқда. Чунончи, биргина ўтган йили фонд томонидан фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашга, улар тақдим этган мамлакат тараққиётида муҳим аҳамиятга эга, яъни долзарб ижтимоий, иқтисодий муаммоларни ҳал этишга қаратилган 234 лойиҳа ва дастурни амалга ошириш учун олти миллиард сўм маблағ танлов асосида ажратилди.

Бу йил ҳам ННТ фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг фаоллигини ошириш учун Давлат бюджетидан 7 миллиард сўм маблағ ажратилган. Ушбу маблағлар ҳудудларда долзарб вазифаларни бажаришга йўналтирилаётгани ҳамда ННТ билан бир қаторда, кенг жамоатчилик фаоллигини оширишга қаратилгани диққатга сазовор.

Ҳозирги пайтда жамоат ташкилотлари фаолиятида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, аҳолининг ҳуқуқий ва тиббий маданиятини юксалтириш, одам савдосига, гиёҳвандликка қарши курашиш, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, имконияти чекланган инсонларнинг ижтимоий мослашувини ташкил қилиш каби устувор вазифалар қамраб олинган. Ўз навбатида, ННТ давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширмоқда. Жамоатчилик ва фуқаролик назорати институти жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамлар кайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланиб бораётгани эътиборлидир.

Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси бу борада, яъни ННТ фаолиятини моддий ва молиявий қўллаб-қувватлаш, уларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилган аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқмоқда. Хусусан, "Обод турмуш йили" Давлат дастурида фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишга фонд томонидан бажарилиши лозим бўлган бир қатор вазифалар белгиланган. Қайд этиш жоизки, ҳозирги даврда ижтимоий буюртмаларни бажаришга ажратилган маблағ салкам 23 фоизга ўсди. Ижтимоий буюртмаларнинг миқдори 20 фоизга, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари сони эса 33,3 фоизга кўпайди.

Жамоат фонди ташкил этаётган грант-танловлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қўллаб-қувватланаётгани ҳам айни муддаодир. Мазкур грант-танловларни ўтказишга жами маблағларнинг 3 миллиард 280 миллион сўмдан кўпроғи, яъни салкам 47 фоизи йўналтирилгани ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишда, ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг давлат органлари билан ижтимоий шериклигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Жорий йилда юртимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ролини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, бунда давлат органлари билан тенг ҳуқуқли ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, аҳолининг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшларнинг ўз ҳаётий позициясига эга бўлишларини таъминлаш, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга қаратилган бешта грант-танловини ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Айни чоғда жамоат фонди ва унинг маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси демократик талабларга биноан, шаффофлик, очиқлик, аниқлик каби тамойиллар асосида фаолият юритмоқда. Фонд маблағлари ННТга, бевосита уларнинг мурожаатларига кўра, Парламент комиссияси қарори билан ажратилади. Ўз навбатида, фонд ижтимоий лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши юзасидан мониторинг олиб бораётгани ННТнинг маблағлардан мақсадли фойдаланишларини таъминлайди.

Шубҳасиз, ННТ фаоллари чуқур билим ва тафаккурга эга бўлиши ва шу асосда самарали фаолият юритишлари мақсадга мувофиқдир. Шу мақсадда ЎзННТМА, ФЖШМҚМИ, ЭОАВМА, Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Парламент комиссияси томонидан давлат органлари билан ҳамкорликда жойларда ҳудудий ва миллий форумларни ўтказиб келаётгани эътиборлидир. Шунингдек, жойларда ташкил этилаётган семинар-тренинг, конференция ва давра суҳбатларида фуқаролик жамияти институтлари ходимлари зарур билим ва кўникмаларга эга бўлишмоқда. Муҳими, бундай тадбирлар чоғида уларга ўз вазифаларини бажаришда очиқлик ва шаффофликка аҳамият қаратишлари тўғрисида аниқ тавсиялар берилмоқдаки, бу аҳолининг уларга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мухтасар айтганда, мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ролини янада кучайтириш юртимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув жараёнида ўз олдимизга қўйган мақсадларимизни рўёбга чиқаришда ҳал қилувчи восита ҳисобланади. Жамоат фонди ва унинг маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг бу борадаги фаолияти фуқаролик жамияти институтлари янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашга йўналтирилганлиги республикамиз равнақида, шак-шубҳасиз, муҳим ўрин тутади.

**Абдужалил ТЎРАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди директори.**

ЖАРАЁН

*"Тошшаҳартранс-хизмат" уюшмаси билан Германиянинг "EvoBus GmbH" фирмаси ўртасида 100 та "Mercedes-Benz Conecto Low Floor" русумли замонавий автобус, уларнинг қўшимча эҳтиёт қисмлари ҳамда диагностик мосламаларини сотиб олиш юзасидан шартнома имзоланди.*

# Замонавий автобуслар

Айтиш жоизки, Президентимизнинг 2006 йил 11 январда қабул қилинган "Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони мазкур йўналишдаги ислоҳотларни амалга оширишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

"Тошшаҳартрансхизмат" уюшмаси ахборот хизматидан маълум қилинишича, пойтахтимизга олиб келинаётган автобусларнинг дастлабки 30 таси жорий йилнинг 1 сентябригача йўловчилар хизматида бўлади, қолганлари эса октябрь-ноябрь ойларида етказиб берилади.

Эътиборли жиҳати, "Mercedes-Benz Conecto Low Floor" автобуси бир вақтда 100 нафардан ортиқ йўловчига хизмат кўрсатади. 250 от кучига эга мазкур транспорт воситалари экологик меъёрларга жавоб берадиган "Евро-3" двигателлари билан жиҳозланган.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ.**

# Тошкент анжуманининг якунлари — япониялик мутахассислар нигоҳида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Япония Ердан фойдаланиш, инфратузилма, транспорт ва туризм вазирлигининг вакили Кончи Ямашита** юртимиз қишлоқларида уй-жой қурилиши янги иш ўринларини яратиш ва жойларда йирик лойиҳаларни амалга ошириш учун сармоялар жалб этишга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Қишлоқларни ривожлантириш Япония учун ҳам долзарб аҳамият касб этишини билдирар экан, К. Ямашита қишлоқларни тараққий топтириш ва аҳоли турмуш тарзини юксалтириш бўйича Ўзбекистон тажрибасига бағишланган туркум мақолаларни Япония матбуотида чоп қилиш истаги борлигини айтиб ўтди.

**Япония Қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчилар уюшмасининг Техникавий қўмитаси раиси Мицуаки Кавамура** Ўзбекистон қишлоқларида уй-жой қурилиши бўйича амалга оширилаётган ишлар мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётига хизмат қилажагини қайд этди.

— Тошкент халқаро анжумани юксак даражада ўтказилди, — деди у. — Конференция қатнашчилари қишлоқларда уй-жой қурилишига оид масалаларни муҳокама қилиш ҳамда сермаҳсул учрашув ва музокаралар ўтказиш имконига эга бўлдилар.

**Токио университетининг Меъморчилик факультети докторанти Масатами Хара** ўзининг илмий тадқиқотида қишлоқларда уй-жой қурилиши бўйича Ўзбекистон ва Япония тажрибасини қиёсий жиҳатдан ўрганиш истагида эканлигини маълум қилди. Шунингдек, М. Хара мазкур конференцияда иштироки чоғида қишлоқ шароитида уйларни лойиҳалаштириш ва бунёд этишга доир зарур маълумотларга эга бўлганини айтди.

**«Жаҳон» АА.**
Токио

# Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, нашриётларнинг янги китоблари, жумладан, Обод турмуш йилига бағишланган, халқаро китоб кўргазмаларида эътироф этилган китоблар тақдимоти, "Энг яхши китобхон", "Китобхон оила" каби мавзуларда совринли интеллектуал ўйин ва викториналар ўтказилганлиги ҳам кўпчиликнинг эътиборини тортди.

Китоб байрами тадбирлари давомида бўлиб ўтган "Китоб — миллатнинг бебаҳо маданий ва маънавий мероси" мавзуидаги илмий-амалий анжуманда олимлар, адиблар, китоб графикаси бўйича рассомлар ва бошқа мутахассислар томонидан ноширлик, матбаачиликнинг бугунги ҳолати ва истиқболи қизғин таҳлил этилди. Аҳолининг босма маҳсулотларга бўлган эҳтиёжи, китоб бозорининг мавжуд аҳволи ва маркетинги борасида фикр алмашилди.

Бугун дунёнинг айрим давлатларида ахлоқсизликларнинг, маънавий тубанликларнинг меъёрий ҳолга айланиб бораётгани қалби уйғоқ кишиларни жиддий ташвишга солиши аниқ. Бинобарин, Президентимизнинг "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" номли рисоласидаги ушбу фикрлар алоҳида диққат-эътиборга молик: "Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда ёзувчининг башариятнинг эртанги кунини ўйлаб, одамларни эзгуликка, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат ва бағрикенгликка даъват этишга қаратилган ҳароратли сўзи ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Яъни ёзувчи "Эй одамзод, кўзингни оч, сен нима учун яшаяпсан, инсон деган юксак номга муносиб бўлиш учун нима қиляпсан?" деган саволларни китобхон олдида, жамият олдида қатъий қилиб қўя олсагина, ўйлайманки, ўзининг инсоний ва ижодий бурчини бажарган бўлади".



Ушбу таъкидлар Китоб байрами доирасидаги тадбирларда ҳар бир ижодкор фаолиятининг дастуриламали эканлиги қайд этилди. Зеро, шакли ва йўналишидан қатъи назар, чоп этилаётган китоблар, барча бадиий асарлар миллий ўзлигимиз ва умуминсоний қадриятларнинг энг ибратли жиҳатларини тарғиб этишга хизмат қилиши билан қадрли ва аҳамиятлидир.

Эслатиб ўтамиз, ушбу маърифий тадбир Тошкент ва Нукус шаҳарлари, барча вилоят марказларида ҳам бўлиб ўтмоқда.

Китоб байрамининг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

**Мақсуд ЎРОҚОВ.**

## Қисқа сатрларда

● Миллий матбуот марказида республика Марказий банки томонидан «Замонавий банк хизматлари ривожланиши истиқболлари» мавзуида матбуот анжумани ташкил этилди. Унда тижорат банклари томонидан масофавий банк хизматлари кўрсатиш кўламини янада кенгайтириш мақсадида йўлга қўйилган "Интернет-банкинг", "Мобиль-банкинг", "СМС-банкинг" каби хизматлар ҳақида маълумот берилди.

● **Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси қошидаги Жамоатчилик Кенгаши навбатдаги йиғилишини ўтказди. Унда Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғи ҳудудидаги мавжудотлар ва яшил бойликни кўпайтириш ҳамда асраб-авайлаш, биологик ранг-барангликни муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар атрофлича муҳокама этилиб, истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди.**

● Шаҳрисабз туманидаги "Лочин" болалар соғломлаштириш оромгоҳида "Ватан, дўстлик ва халқпарварлик учун!" шиори остида "Камалак билимдонлари" республика танлови ҳамда "Камалак" болалар ташкилотининг анъанавий анжумани бошланди. У шу йилнинг 28 майигача давом этади.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# Имтиёз ва рағбат

## тадбиркорлик ривожига хизмат қилмоқда

*Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг имконият ва имтиёзлар яратиб берилгани туфайли бугунги кунда кўплаб юртдошларимиз ушбу соҳада ўз фаолиятини йўлга қўйиб, иқтисодиётимиз юксалишига, халқимиз фаровонлиги даражаси ошишига муносиб улуш қўшмоқдалар.*

ИЗЛАНИШ

Тўрткўл туманилик тадбиркор Маҳмуджон Исмоилов саъй-ҳаракати билан жорий йил бошида иш бошлаган "Тўрткўл стиль" масъулияти чекланган жамияти фаолияти бунга мисол бўла олади.

Таъкидлаш керакки, тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган мазкур корхонага банкнинг 70 миллион сўмлик кредити ҳисобидан хорижнинг замонавий дастгоҳлари ўрнатилган. Айни пайтда бу ерда "Шўрахон" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи 20 нафардан зиёд чевар хотин-қизлар сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар. Улар томонидан эса, буюртмаларга кўра, ойига 10 миллион сўмлик болалар кийимлари, хотин-қизлар халатлари тайёрланмоқда. Эътиборлиси, ҳозирга қадар 50 миллион сўмлик маҳсулотлар буюртмачиларга етказиб берилди.

Тадбиркор тез орада корхона фаолиятини янада кенгайтириб, янги иш ўринлари ташкил этишни режалаштирган. Бу, шубҳасиз, Шўрахон қишлоғида истиқомат қилаётган 26 минг аҳоли учун айни муддаодир.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ (сурат),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**



# Мактабдан — лицей, коллежга

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимига бутунлай қамраб олиш мақсадида мамлакатимизда жорий йилда бешта янги ўқув муассасаларини қуриш мўлжалланган. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида иккита, Қашқадарё, Самарқанд ҳамда Тошкент вилоятларида биттадан, Сурхондарё вилоятида эса битта коллеж филиали бунёд этиш режалаштирилган. Ушбу ўқув муассасаларининг барчаси аҳоли зич жойлашган ҳудудларда қад ростлайди.

Қарорда, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида аниқ касблар бўйича касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига амалдаги эҳтиёж танқидий таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилган, 2013/2014 ўқув йилидан бошлаб республика ҳудудларида 26 та касб-ҳунар коллежини қайта ихтисослаштиришга доир таклифлари инобатга олингани ҳам айни муддао бўлди. Зеро, бу кадрларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб меҳнат бозорини ўрганиш ва таҳлил этиш, коллеж битирувчиларининг муқим иш жойига эга бўлишларида беқиёс ўрин тутади. Шунга мувофиқ, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари, Халқ таълими вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари зиммасига умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини келгусида академик лицейларда ва касб-ҳунар коллежларида ўқитиш билан тўлиқ қамраб олишни таъминлаш юзасидан шахсий масъулият юкланган. Бинобарин, бу жараёнда умумтаълим мактабларининг битирувчи қизларини касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ўқитишга тўла жалб этишга ҳам алоҳида урғу берилган.

Хабарингиз бор, айни пайтда мамлакатимиздаги барча касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда "Очиқ эшиклар куни" ўтказилмоқда. Бунда умумтаълим мактаб битирувчилари ва уларнинг ота-оналари ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига ташриф буюриб, ўзларини қизиқтирган йўналиш ва соҳа бўйича маълумотга эга бўлишмоқда. Ўз навбатида, умумтаълим мактабларида "Касблар фестивали", "Танлаган касбим — менинг фахрим", "Мен орзу қилган касб", "Қиз боланинг касби — унинг бахти" каби мавзуларда ўтказилаётган тадбирлар ҳам ўғил-қизларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Шунингдек, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Халқ таълими, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари ҳамкорлигида "Мутахассислик — сенинг келажагинг" шиори остида ҳар бир туман (шаҳар)да ўтказилаётган кўргазмалар ҳам умумтаълим мактаблари битирувчиларини турли касб ва соҳаларга жалб этиб, уларни истиқбол сари дадил қадам ташлашга ундамоқда.

Буларнинг барчаси умумтаълим мактаб битирувчиларини кейинги таълимни давом эттириш, кичик мутахассислар тайёрлаш жараёнини самарали бошқариш, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда малакали кадрларни тарбиялашда самарали ижтимоий ҳамкорликни таъминлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Мақсуд ЖОНИХОНОВ ёзиб олди.**

# ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИНИНГ ОЧИҚ ВА ОШКОРАЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу борада барча йўналишда жадал иш олиб борилаётир. Масалан, Савдо-саноат палатасининг фаолияти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлаш ва кучайтириш, уларнинг билим ва ваколатини оширишга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси давлат харидлари тизимида коррупциянинг олдини олиш мақсадида назорат ишларини мунтазам олиб бормоқда ва коррупция пайдо бўлиши сабабларини аниқламоқда.

Давлат харидлари тизимини такомиллаштириш мақсадида ташкил қилинган ҳукумат комиссияси Давлат бюджети ва бошқа марказлаштирилган манбаларнинг товарлар (хизматлар, ишлар)ни давлат томонидан харид қилишга йўналтириладиган маблағларидан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиш, шунингдек, давлат харидлари соҳасидаги қонунчиликка риоя этиш устидан тизимли назоратни амалга оширмоқда. Унинг ишчи органи бўлган Ғазначилик (котибият) давлат харидларини амалга ошириш самарадорлигини мониторинг қилиб бормоқда. Бунда тендер ва биржа савдоларида қатнашаётган барча субъектлар вакилларининг малакасини ошириш, соҳага умумқабул қилинган халқаро норма ҳамда стандартларни жорий этиш борасида ёрдам кўрсатилмоқда.

Даъвогарлар ўртасида ўзаро тил бириктириш, етказиб берувчилар ва буюртмачи ташкилотлар ўртасида коррупция алоқалари бўлиши, харидлар жараёнларини қалбакилаштириш ҳолатларини аниқлаш мақсадида Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ҳузурида давлат харидларини назорат қилиш бўлими фаолият кўрсатмоқда. Шикоятларни кўриб чиқиш, харидларни (тендер савдоларини) ҳар қандай босқичда — савдо бошланмасдан, тендер ғолиби эълон қилингандан сўнг ҳам бекор қилиш ушбу бўлим вазифалари сирасига киради. Товар-хом ашё биржасининг Арбитраж комиссияси эса шикоятларни судгача кўриб чиқиш ва баҳсларни ҳал этиш билан шуғулланади.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда Ўзбекистонда бозор ислоҳотларини изчил чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштиришга доир кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди, шу жумладан, асосан, кичик бизнес субъектлари сотиб оладиган товарлар (ишлар, хизматлар) учун квоталар ажратиш механизми жорий этилди.

Бундан ташқари, халқаро ташкилотлар ҳам бу борада ёрдам бермоқда. Хусусан, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан «Ўзбекистон бюджет тизимини ислоҳ этиш» қўшма лойиҳаси доирасида «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси, ушбу соҳани тартибга соладиган қатор қонун-ости ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда.

Шу билан бирга, 2010 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти мамлакатимизни социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожлантиришнинг турли жабҳаларида коррупцияга қарши кураш бўйича амалга оширилаётган ишларни баҳолаш мақсадида Ўзбекистонда доимий мониторинг олиб бормоқда. Мисол учун, ташкилотнинг 2011 йилги ҳисоботида мамлакатимизда давлат харидлари соҳасидаги ишлар, Ўзбекистоннинг давлат харидлари тизимини янада оптималлаштиришга интилаётгани юқори баҳоланган. Айни вақтда давлат харидлари соҳасида фаолият кўрсатаётган молия органлари ходимлари учун коррупцияга қарши кураш масалалари бўйича семинар-тренингларни мунтазам ўтказиш зарурлиги қайд этилди.

Семинарда сўзга чиққан парламентимиз Сенати, мамлакатимиз Ҳисоб палатаси, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ваколатхонаси аъзолари давлат харидлари соҳасида коррупцияга қарши кураш бўйича қонун ҳужжатларини мукаммал билиш, бутун харид жараёнининг ошкоралигини таъминлаш, бюджет интизомига риоя этилиши устидан доимий назорат олиб бориш, бюджет интизоми ҳамда шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарликка тортиш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Давлат харидлари тизимида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтириш, давлат харидлари билан боғлиқ шикоятларни судгача кўриб чиқиш ҳамда баҳсларни ҳал этиш амалиётини такомиллаштириш зарурлиги уқтирилди.

Семинар-тренингда давлат харидлари жараёнини ташкил этиш, шунингдек, давлат харидлари тизимида коррупцияга қарши курашга тааллуқли амалдаги қонунчиликни қўллашга доир турли масалалар муҳокама қилинди.

**М. МАМЕТОВА,**
**ЎзА мухбири.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВИЛОЯТ, ШАҲАР ҲАМДА ТУМАН ҲОКИМЛИКЛАРИ, ВАЗИРЛИКЛАР, КОРПОРАЦИЯЛАР, БАНКЛАР, БАРЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ, ТАШКИЛОТЛАР ВА ҚЎШМА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!



# АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ



## 2012/2013 ўқув йилида бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларнинг интеллектуал салоҳиятидан унумли фойдаланиш ҳамда иш билан таъминлашга кўмаклашиш учун ишга тақсимлаш жараёни бошланганлиги тўғрисида хабар қилади

### БАКАЛАВРИАТ

| Т/Р | Йўналишлар номи | Битирувчиларнинг умумий сони | | | Вилоятлар бўйича битирувчиларнинг сони | | Шу жумладан, вилоятлар бўйича | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | Қорақалпоғистон Республикаси | | Андижон | | Бухоро | | Жиззах | | Навоий | | Наманган | | Самарқанд | | Сурхондарё | | Сирдарё | | Тошкент вил. | | Фарғона | | Хоразм | | Қашқадарё | | Тошкент ш. | |
| | | жами | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш |
| 1. | Касб таълими: ер усти транспорт тизимлари | 44 | 19 | 25 | 17 | 21 | | | | | | | | 2 | 1 | | | 1 | 4 | 1 | 4 | 4 | 1 | 1 | 4 | 6 | | | 2 | | 1 | 6 | 2 | 4 |
| 2. | Касб таълими: радиотехника | 37 | 19 | 18 | 16 | 10 | | | | | 1 | 1 | 1 | | 1 | | 1 | | 2 | | | 2 | 1 | 1 | 2 | 3 | | | | | 7 | 3 | 3 | 8 |
| 3. | Касб таълими: нефть ва газ иши | 37 | 19 | 18 | 13 | 15 | 1 | | | | | | | | | | 1 | | | 2 | 2 | 2 | | 1 | 2 | 3 | 3 | | | 3 | 4 | 4 | 6 | 3 |
| 4. | Касб таълими: электр энергетикаси | 41 | 17 | 24 | 13 | 18 | | 1 | 1 | | | | 1 | 2 | | | | | 1 | 1 | | 3 | 1 | 6 | 4 | 3 | | | | | 5 | 2 | 4 | 6 |
| 5. | Дизайн | 25 | 10 | 15 | 2 | 8 | | | | | | | | 2 | | | | | 1 | | | | | 1 | | 2 | | | | | 1 | 3 | 8 | 7 |
| 6. | Менежмент (соҳалар бўйича) | 53 | 15 | 38 | 11 | 25 | 1 | 1 | | 1 | | 2 | | | 1 | 3 | | | | 2 | 1 | 2 | 1 | 1 | 4 | 7 | | | 1 | 1 | 2 | 5 | 4 | 13 |
| 7. | Маркетинг (соҳалар бўйича) | 24 | 10 | 14 | 8 | 9 | | | 1 | 1 | 1 | 1 | | | | 1 | | | | 1 | | | | | 3 | 1 | | | | 1 | 3 | 3 | 2 | 5 |
| 8. | Нефть ва газ конлари геологияси ва разведкаси | 33 | 10 | 23 | 10 | 17 | 1 | 5 | 2 | | 1 | 2 | | | | | | | | | | 2 | | 1 | | 1 | | 2 | 1 | | 5 | 4 | | 6 |
| 9. | Иссиқлик энергетикаси | 113 | 27 | 86 | 22 | 70 | 1 | 2 | | | | | | | | | | 1 | 1 | | | 3 | 7 | 6 | 6 | 33 | | | 1 | | 6 | 25 | 5 | 16 |
| 10. | Электр энергетикаси (тармоқлар бўйича) | 145 | 52 | 93 | 42 | 75 | 1 | 3 | | | | 3 | 2 | | 3 | 8 | 1 | | 1 | 6 | 3 | 10 | 3 | 5 | 10 | 23 | 1 | 2 | 1 | 3 | 16 | 12 | 10 | 18 |
| 11. | Металлургия | 72 | 29 | 43 | 27 | 39 | | | | | 4 | 2 | 2 | | | 3 | | 1 | 3 | 4 | | 1 | | 2 | 17 | 22 | | | | | 1 | 4 | 2 | 4 |
| 12. | Материалшунослик ва янги материаллар технологияси | 49 | 20 | 29 | 16 | 23 | | 1 | | | | | 1 | | 1 | 1 | | | 2 | 1 | 3 | 1 | | | 5 | 11 | | | | | 4 | 8 | 4 | 6 |
| 13. | Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқариш жиҳозлари ва уларни автоматлаштириш | 72 | 26 | 46 | 24 | 40 | | | | | 4 | 2 | | | 1 | 1 | 1 | | | | | 3 | | 1 | 13 | 29 | | 1 | 1 | | 4 | 3 | 2 | 6 |
| 14. | Технологик машиналар ва жиҳозлар (тармоқлар бўйича) | 54 | 20 | 34 | 16 | 27 | | | | | 1 | | | 2 | | 1 | | 1 | 1 | 1 | | 1 | | | 9 | 16 | 2 | 1 | | | 3 | 4 | 4 | 7 |
| 15. | Авиасозлик ва ракета-космик техникаси | 34 | 14 | 20 | 10 | 15 | | | | 1 | 3 | | | | 3 | 4 | 1 | | 1 | 2 | 1 | 4 | | | | 4 | | | | | 1 | | 4 | 5 |
| 16. | Учиш аппаратлари ва двигателларидан техник фойдаланиш | 26 | 11 | 15 | 6 | 10 | | | | | 1 | | | | 2 | | | 2 | 1 | 4 | 1 | | | | | 3 | | 1 | | | 1 | | 5 | 5 |
| 17. | Энергетика машинасозлиги | 25 | 10 | 15 | 9 | 12 | | | | | | 1 | 1 | | 1 | | | | 2 | 2 | | 1 | | 1 | 4 | 7 | | | | | 1 | | 1 | 3 |
| 18. | Ер усти транспорт тизимлари (транспорт турлари бўйича) | 56 | 18 | 38 | 14 | 28 | | | | | | | 1 | | 1 | 3 | 1 | | 1 | 3 | 1 | 3 | | | 5 | 9 | | 1 | | 1 | 4 | 8 | 4 | 10 |
| 19. | Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари | 149 | 44 | 105 | 30 | 81 | | | 2 | | | 1 | | 2 | 1 | 1 | | | 3 | 2 | 1 | 6 | 2 | 6 | 12 | 52 | | | 1 | 1 | 8 | 10 | 14 | 24 |
| 20. | Кончилик электр механикаси | 50 | 20 | 30 | 19 | 28 | | | | | | 3 | 3 | 2 | | 4 | | | 7 | 5 | 1 | 1 | | | 7 | 10 | | | | | 1 | 3 | 1 | 2 |
| 21. | Асбобсозлик | 41 | 14 | 27 | 10 | 18 | | | | | | | | | | 3 | | | 1 | 1 | | | 2 | 2 | 5 | 6 | | | | | 2 | 6 | 4 | 9 |
| 22. | Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш (тармоқлар бўйича) | 76 | 28 | 48 | 14 | 34 | | 2 | | | 1 | 1 | | | 1 | 2 | | | | 2 | 2 | 4 | 1 | 4 | 2 | 10 | 1 | 3 | 1 | | 5 | 6 | 14 | 14 |
| 23. | Электроника ва микроэлектроника | 66 | 24 | 42 | 20 | 32 | | | 1 | | | 2 | 1 | 1 | 2 | | | | 2 | 1 | 3 | 6 | 1 | 1 | 6 | 11 | | 1 | | 1 | 4 | 8 | 4 | 10 |
| 24. | Автоматлаштириш ва бошқарув | 55 | 18 | 37 | 15 | 27 | | | | | 2 | | 2 | | | | | | 1 | 4 | | | | 1 | 2 | 14 | | 1 | | 1 | 8 | 6 | 3 | 10 |
| 25. | Радиотехника | 44 | 20 | 24 | 15 | 13 | 1 | 1 | | | | | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | | | | 3 | 1 | | | 4 | 7 | | | 2 | | 2 | 2 | 5 | 11 |
| 26. | Нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси | 86 | 20 | 66 | 17 | 50 | 1 | 4 | | | 2 | 3 | | 2 | | | | | | 1 | 2 | 3 | 2 | 2 | | 6 | 1 | 8 | | 1 | 9 | 20 | 3 | 16 |
| 27. | Пайвандлаш ишлаб чиқариши машиналари ва технологияси | 26 | 10 | 16 | 10 | 10 | 1 | | | | | | 1 | | | | | | 1 | | | | 1 | | 6 | 10 | | | | | | | | 6 |
| 28. | Энергия тежамкорлиги (тармоқлар бўйича) | 44 | 13 | 31 | 11 | 19 | | | | | | | | 5 | 1 | 1 | | | | | 1 | 1 | 2 | 1 | 4 | 9 | | | | | 3 | 2 | 2 | 12 |
| 29. | Нанотехнология (тармоқлар бўйича) | 47 | 14 | 33 | 9 | 18 | | | | 1 | 2 | | 1 | 1 | 1 | | | | 1 | 3 | | 1 | | 1 | 1 | 9 | | | | | 3 | 2 | 5 | 15 |
| 30. | Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (тармоқлар бўйича) | 41 | 19 | 22 | 14 | 16 | 1 | | | | 1 | 3 | | 1 | | 1 | | | 1 | | 1 | | 1 | | 3 | 6 | | | 1 | | 5 | 5 | 5 | 6 |
| 31. | Биотиббиёт муҳандислиги | 17 | 8 | 9 | 2 | 4 | | | | | | | | | | | | | | 1 | 1 | | | 1 | | 1 | | | | | 1 | 1 | 6 | 5 |
| 32. | Материалларга бадиий ишлов бериш технологияси | 21 | 10 | 11 | 6 | 9 | 1 | | | | | | 1 | | | 1 | | | | | 1 | 3 | | | 2 | 3 | | | | | 1 | 2 | 4 | 2 |
| 33. | Аэропортларнинг радиоэлектрон жиҳозларидан фойдаланиш | 23 | 10 | 13 | 9 | 7 | | 1 | 2 | | | 2 | | | 1 | 2 | | 1 | 2 | | | | | | 3 | 1 | | | | | 1 | | 1 | 6 |
| 34. | Автомобилсозлик ва тракторсозлик | 23 | 10 | 13 | 8 | 12 | | | | | 1 | | | | 1 | 2 | 2 | | | 3 | | 1 | | 1 | 2 | 2 | | | 1 | 1 | 1 | 2 | 2 | 1 |
| 35. | Ноанъанавий ва қайта тикланувчан энергия манбалари | 25 | 9 | 16 | 5 | 8 | | | | | | | | 1 | | | | | 1 | 1 | 1 | 1 | | | 1 | 2 | | | | | 2 | 3 | 4 | 8 |
| 36. | Совитиш, криоген техникаси ва мўътадиллаш тизимлари машиналари ҳамда агрегатлари | 23 | 9 | 14 | 5 | 11 | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | 1 | 1 | 8 | | | | | 3 | 2 | 4 | 3 |
| 37. | Геодезия, картография ва кадастр (тармоқлар бўйича) | 22 | 10 | 12 | 8 | 10 | 1 | 1 | | | | 1 | | | | 1 | | | 1 | | 1 | 1 | | | 2 | 5 | | | | | 3 | 1 | 2 | 2 |
| 38. | Кончилик иши | 98 | 33 | 65 | 32 | 64 | | 1 | | | 1 | 4 | 6 | 7 | 2 | 4 | | 3 | 16 | 15 | 1 | 5 | 1 | | 5 | 14 | | | | | | 11 | 1 | 1 |
| 39. | Қаттиқ фойдали қазилма конлари геологияси, қидирув ва разведкаси | 26 | 10 | 16 | 6 | 14 | | 1 | | | 1 | 2 | | | 1 | 4 | | | 2 | 2 | 1 | | | | 1 | 4 | | | | | | 1 | 4 | 2 |
| 40. | Фойдали қазилма конларни қидириш ва разведка қилишнинг геофизик усуллари | 31 | 9 | 22 | 6 | 18 | | | | | | 3 | | | | 2 | | | | 2 | 3 | 4 | | | | 3 | | 1 | | 1 | 3 | 2 | 3 | 4 |
| 41. | Нефть ва газ геофизикаси | 14 | 7 | 7 | 5 | 6 | | | | | | 1 | 1 | | | | | | | | 2 | | | | | 2 | 1 | 2 | | | 1 | 1 | 2 | 1 |
| 42. | Гидрогеология ва муҳандислик геологияси | 22 | 9 | 13 | 8 | 11 | | | | | 2 | 2 | | | | | | | 1 | 1 | | | | | 2 | 2 | | 1 | | | 3 | 5 | 1 | 2 |
| 43. | Нефть-газ саноати машина ва жиҳозлари | 22 | 9 | 13 | 5 | 9 | | 1 | | | | | | | | | | | | | 1 | 4 | | | 2 | | | | | | 2 | 4 | 4 | 4 |
| 44. | Бурғилаш-разведка ишларининг техника ва технологияси | 70 | 20 | 50 | 17 | 39 | 1 | 4 | | | 3 | 4 | | 2 | | | 1 | | 1 | 4 | 5 | 7 | | | 1 | 3 | 1 | 1 | | 2 | 4 | 12 | 3 | 11 |
| 45. | Геология-разведка ишларининг техника ва технологияси | 21 | 8 | 13 | 8 | 11 | | | | | 1 | 1 | | 1 | | | | | 2 | 2 | 3 | 1 | | | 1 | 3 | | | | | 1 | 3 | | 2 |
| 46. | Нефть ва газ конларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш | 61 | 19 | 42 | 14 | 33 | | 2 | 1 | 5 | | 2 | 1 | | 1 | | 1 | | 3 | 4 | | 4 | | | 2 | 4 | 1 | 1 | 1 | | 3 | 11 | 5 | 9 |
| 47. | Нефть-газ қувурлари, омборлари ва нефть-газни қайта ишлаш саноати объектларини лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш | 38 | 9 | 29 | 8 | 23 | | | 1 | 3 | 1 | | | 1 | | 1 | 2 | 2 | | 1 | | 1 | | 3 | 3 | 4 | | 3 | | | 1 | 4 | 1 | 6 |
| 48. | Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш | 22 | 8 | 14 | 5 | 11 | | | | | | | 1 | 1 | | | 1 | | 1 | | | 2 | | 1 | | 2 | | 2 | | | 2 | 3 | 3 | 3 |
| 49. | Сервис техникаси ва технологияси (хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича) | 38 | 9 | 29 | 6 | 20 | | | | 1 | | 1 | 1 | 1 | | 1 | | | | | | 3 | | | 4 | 8 | | | | | 1 | 5 | 3 | 9 |
| 50. | Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш | 26 | 10 | 16 | 7 | 9 | | 1 | | | 2 | | | 1 | | 1 | | | 1 | 2 | 1 | | | | 2 | 2 | 1 | 1 | | 1 | | | 3 | 7 |
| 51. | Атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар бўйича) | 23 | 8 | 15 | 6 | 8 | | 1 | 2 | | | | | 1 | | | 1 | 1 | | | | 1 | | | | 4 | 1 | | | | 2 | | 2 | 7 |
| 52. | Ҳаётий фаолият хавфсизлиги | 39 | 10 | 29 | 9 | 25 | | | | | | | | | 1 | 3 | | 2 | 1 | 7 | 1 | 4 | | | 5 | 4 | | | | | 1 | 5 | 1 | 4 |
| | Жами | 2370 | 834 | 1536 | 645 | 1170 | 12 | 33 | 13 | 13 | 36 | 50 | 29 | 39 | 29 | 60 | 15 | 15 | 70 | 94 | 53 | 107 | 27 | 52 | 179 | 414 | 13 | 33 | 14 | 18 | 155 | 242 | 189 | 366 |

### МАГИСТРАТУРА

| Т/Р | Йўналишлар номи | жами | Г | Ш | Г | Ш | Қорақалпоғистон Республикаси Г | Ш | Андижон Г | Ш | Бухоро Г | Ш | Жиззах Г | Ш | Навоий Г | Ш | Наманган Г | Ш | Самарқанд Г | Ш | Сурхондарё Г | Ш | Сирдарё Г | Ш | Тошкент вил. Г | Ш | Фарғона Г | Ш | Хоразм Г | Ш | Қашқадарё Г | Ш | Тошкент ш. Г | Ш |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Дизайн (саноатда) | 5 | 2 | 3 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 2 | 3 |
| 2. | Менежмент (саноатда) | 11 | 2 | 9 | 0 | 4 | | 1 | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | 2 | | | | | | | 2 | 5 |
| 3. | Гидроэлектростанциялар ва қайта тикланувчи энергия манбалари | 5 | 2 | 3 | 2 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 2 | | | | | | | 1 | | 2 |
| 4. | Иссиқлик энергетикаси | 18 | 6 | 12 | 5 | 6 | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | 1 | 1 | 2 | 2 | | | | | 2 | 2 | 1 | 6 |
| 5. | Электр таъминоти (шаҳарлар ва ишлаб чиқаришда) | 23 | 5 | 18 | 3 | 12 | | 1 | | | | 1 | | | | 1 | | | | | | 1 | | | 2 | 3 | | | 1 | 1 | | 4 | 2 | 6 |
| 6. | Энергия тежамкорлиги (саноатда) | 6 | 2 | 4 | 2 | 2 | | 1 | | | 1 | | | | | | | | | | | | | | 1 | 1 | | | | | | | | 2 |
| 7. | Электр станциялари | 14 | 3 | 11 | 2 | 8 | 1 | 1 | | 1 | | | | | | | | | | 1 | | | | | 1 | 3 | | | | | | 2 | 1 | 3 |
| 8. | Электр-энергетика тизимлари ва тармоқлари (йирик тизимлар, автономлари билан биргаликда) | 15 | 3 | 12 | 3 | 10 | | 1 | | 1 | | 1 | | | | 1 | | 1 | 1 | | | 1 | | | | 1 | | | | 1 | 2 | 2 | | 2 |
| 9. | Металлургия (металл турлари бўйича) | 17 | 8 | 9 | 8 | 8 | | | | | | | | | 1 | | | | 1 | | | | | 1 | 6 | 7 | | | | | | | | 1 |
| 10. | Металлургия машина ва жиҳозлари (қуймакорликда) | 1 | | 1 | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | |
| 11. | Пилотаж-навигация комплексларининг авиация электр тизимларини техник ишлатиш | 6 | 1 | 5 | | 2 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 2 | 1 | 3 |
| 12. | Ер усти транспорт воситалари ва тизимлари (тракторлар) | 6 | 3 | 3 | 3 | 3 | | | | | | | | 1 | 2 | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | 2 | | |
| 13. | Электр механикаси (саноат ва транспортда) | 8 | 2 | 6 | 2 | 5 | | 1 | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | 1 | 2 | 1 | | | | | 1 | | 1 |
| 14. | Электротехник комплекслари ва тизимлари (саноатда) | 5 | 2 | 3 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | 1 | 3 |
| 15. | Кончилик машиналари ва жиҳозлари | 5 | 3 | 2 | 2 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 2 | | | | | | | | 1 | 2 |
| 16. | Электроника ва электрон техникаси (тармоқлар бўйича) | 16 | 4 | 12 | 2 | 11 | | | | | | | | | | 1 | | | | 2 | | | | 1 | 1 | 4 | | 1 | | | 1 | 2 | 2 | 1 |
| 17. | Асбоблар, ўлчов тизимлари ва назорати (тиббиёт асбоблари) | 7 | 2 | 5 | 1 | 3 | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | 2 | 1 | | | | | | 1 | 2 |
| 18. | Метрология, стандартлаштириш ва сифатни бошқариш (саноатда) | 8 | 2 | 6 | | 5 | | | | | | 1 | | | | 1 | | | | | | | | 1 | | | | 1 | | | | 1 | 2 | 1 |
| 19. | Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (тармоқлар бўйича) | 17 | 8 | 9 | 6 | 7 | | | | | 1 | | | | 1 | | 1 | | 1 | 5 | | | | | 1 | 1 | | | | | 1 | 1 | 2 | 2 |
| 20. | Фойдали қазилма конларини қазиб олиш (қазиш усуллари бўйича) | 16 | 4 | 12 | 4 | 12 | | | | | | | | | | | 2 | 1 | 1 | | | | | | 1 | 11 | | | | | | | | |
| 21. | Шахта ва ер ости муҳандислиги (маркшейдерлик иши) | 8 | 3 | 5 | 2 | 5 | | | | | | | | | | 1 | | | 1 | | | 1 | | | 1 | 3 | | | | | | | 1 | |
| 22. | Фойдали қазилмаларни бойитиш (рудалар бўйича) | 6 | 2 | 4 | 1 | 4 | | | | | | | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | 3 | | | | | | | 1 | |
| 23. | Фойдали қазилма конлари геологияси, қидирув ва разведкаси (кон турлари бўйича) | 30 | 10 | 20 | 9 | 16 | | 6 | | 1 | | 1 | | | | 1 | | | 1 | | | 1 | | | 4 | 1 | 1 | | | | 3 | 5 | 1 | 4 |
| 24. | Фойдали қазилма конларни қидириш ва хариталаш усуллари (геофизик усуллар) | 7 | 2 | 5 | 1 | 5 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | 1 | 4 | 1 | |
| 25. | Нефть ва газ конлари қидирув-разведка ишларининг геофизик усуллари | 14 | 7 | 7 | 7 | 2 | 3 | | | 2 | 1 | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | 2 | | | 5 |
| 26. | Кончилик геологияси ва геофизикаси | 9 | 2 | 7 | 2 | 7 | | 1 | | | | | 1 | | | 1 | | | | 1 | | | | | 1 | 2 | | | | | | 2 | | |
| 27. | Гидрогеология | 6 | 6 | | 5 | | | | | | | | 1 | | 1 | | | | | | | | 1 | | 2 | | | | | | | | 1 | |
| 28. | Нефть ва газ конларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш | 15 | 2 | 13 | 1 | 10 | | 3 | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | 2 | 1 | 4 | 1 | 3 |
| 29. | Нефть ва газ қудуқларини бурғилаш | 20 | 3 | 17 | 3 | 13 | 2 | 3 | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | 1 | 8 | | 4 |
| 30. | Материалшунослик ва материаллар технологияси | 4 | 2 | 2 | 2 | 2 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 2 | 1 | | | | 1 | | | | |
| 31. | Машинасозлик технологияси ва жиҳозлари (ишлаб чиқариш бўйича) | 20 | 10 | 10 | 8 | 10 | | | 1 | 1 | | | | | 1 | | | | 1 | 1 | | | | | 4 | 7 | | | | | 1 | 1 | 2 | |
| 32. | Машинасозликда технологик жараёнлар ва тизимларни автоматлаштириш | 7 | 2 | 5 | 1 | 5 | | 1 | | | | | | | | 1 | | | | | | 2 | | | 1 | 1 | | | | | | | 1 | |
| 33. | Пайвандлаб ишлаш технологияси ва жиҳозлари | 5 | 2 | 3 | 1 | 3 | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | 1 | 2 | | | | | | | 1 | |
| 34. | Нефть-газ саноатининг машина ва жиҳозлари | 10 | 4 | 6 | 2 | 5 | | | | 1 | | | 1 | | | | | | 1 | | | 1 | | | | | | | | | | 3 | 2 | 1 |
| 35. | Тиббий-биологик қурилма, тизим ва мажмуалар (аппаратларнинг диагностикаси) | 4 | 2 | 2 | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | 1 | 1 | 1 |
| 36. | Нефть ва газни қайта ишлаш ва унинг кимёвий технологияси | 9 | 2 | 7 | 1 | 5 | 1 | 1 | | | | 1 | | | | | | | | | | 1 | | 1 | | | | 1 | | | | | 1 | 2 |
| 37. | Нефть ва газни қайта ишлаш жараёнлари ва ускуналари | 6 | 2 | 4 | 2 | 2 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | 1 | | 1 | | | | | | 2 |
| 38. | Инфратузилма объектларини қуриш (нефть база ва газ омборлари) | 11 | 2 | 9 | 2 | 7 | | 1 | | 1 | | | | | | | | 1 | | | | | | 1 | 1 | 1 | | | 1 | | | 2 | | 2 |
| 39. | Қишлоқ хўжалиги техникасини лойиҳалаш ва конструкциялаш | 7 | 4 | 3 | 4 | 2 | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | 1 | 1 | | | | | 2 | 1 | | 1 |
| 40. | Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш ва аэронавигация | 5 | 2 | 3 | 1 | 2 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | 1 | | | 1 | 1 | 1 |
| 41. | Атроф-муҳитни ҳимоя қилиш (саноатда) | 7 | 1 | 6 | | 2 | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | 1 | | | | | | | 1 | 4 |
| | Жами | 419 | 136 | 283 | 102 | 208 | 8 | 23 | 1 | 10 | 3 | 6 | 5 | 3 | 6 | 8 | 3 | 3 | 8 | 12 | 1 | 9 | 2 | 7 | 41 | 66 | 4 | 4 | 3 | 5 | 17 | 52 | 34 | 75 |

**Изоҳ:** Г — грант асосида, Ш — тўлов-шартнома асосида.

**Сиз ўзингизни қизиқтирган ёш мутахассислар билан бевосита учрашиб, суҳбатлашиб, уларнинг битирув иши ҳимояларида қатнашиб, ўзингизни қизиқтирган барча маълумотларни олиш имкониятига эга бўласиз. Таклифлар билан университетнинг Мониторинг, маркетинг ва битирувчиларни ишга жойлаштириш бўлимига мурожаат қилишингиз мумкин. Телефон: (8-371) 246-88-70.**

534А/125,288,292

XALQ BANKI

*Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш — "Ўзбек модели" деб ном олган ва халқаро миқёсда эътироф этилган мамлакатимиз тараққиёт йўлининг асосий йўналишларидан биридир. Шу мақсадда жойларда амалий чора-тадбирлар кўрилгани натижасида, айниқса, кекса ва ногирон, ўзгалар кўмагига эҳтиёжманд юртдошларимизга бўлган эътибор ва ғамхўрлик янада ортди. Мазкур хайрли ишлар доирасида нафақага чиққан фуқароларга пенсия тўлашнинг ихчам ва соддалаштирилган тизими ишлаб чиқилиб, унга кўра, 2005 йилнинг 1 январидан бошлаб фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти жорий этилди. Ушбу ғамхўрлик Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуни билан ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди.*

## Халқ банки:

# ЭЛ ФАРОВОНЛИГИ — УСТУВОР МАҚСАД

Маълумки, жамғариб бориладиган пенсия маблағларини сақлаш ва уни етказиш мамлакатимизнинг ишончли ва нуфузли банкларидан саналган давлат-тижорат Халқ банки томонидан амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, аҳоли ва пенсионерларга қулайликлар яратиш мақсадида ҳудудлар ва қишлоқ жойларда 198 та филиал, 239 та минибанк, 1630 дан ортиқ бўлим, 936 та махсус касса ташкил этилиб, улар орқали турли хизматлар кўрсатилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлари сақланиши ҳамда тўланиши давлат томонидан кафолатланганлиги уларнинг банкка бўлган ишончини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда жамғариб бориладиган пенсия таъминотига аъзо фуқаролар сони

**7 861 093**

тага етгани, жумладан, уларнинг 51,7 фоизи эркаклар, 48,3 фоизи аёллар эканлиги бунинг тасдиғидир.

Шу билан бирга, нафақа ёшига етган юртдошларимизга жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида йиғилган маблағлари уларнинг биринчи талаби бўйича тўлаб берилиши алоҳида назорат қилинмоқда. Ҳозирга қадар ушбу тоифадаги 443 509 нафар фуқарога тегишли маблағлар тўлаб берилгани шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Хабарингиз бор, корхона ва ташкилотлар томонидан ўз ишчи-ходимларига ҳисобланган ойлик маошидан қонунда белгиланган тартибда давлат бюджетига даромад солиғи тўлаб борилади. 2005 йил 1 январдан бошлаб эса, даромад солиғи тўланиши билан бир пайтнинг ўзида умумий ҳисобланган ойлик маошининг 1 фоизи солиққа ўтказиладиган даромад солиғидан тегишлича ажратиб олиниб, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимига ўтказиб келинмоқда. Мисол учун, фуқарога 500 000 сўм ойлик белгиланган. Шундан, жамғариб бориладиган пенсия тизими ташкил этилмасдан олдин, дейлик 50 000 сўм солиқ сифатида давлат бюджетига ўтказилар ва фуқаро 450 000 сўм соф даромад олар эди. Ҳозир эса, 500 000 сўм миқдоридаги ойлик иш ҳақининг 1 фоизи, яъни 5 000 сўми фуқаронинг жамғариб бориладиган пенсия таъминотидаги ҳисобварағига, 45 000 сўми солиққа ўтказилган ҳолда, қолган 450 000 сўми фуқаронинг қўлига тегмоқда. Кўриниб турибдики, шу орқали фуқаро давлат бюджетига ўтказиладиган маблағ ҳисобидан қўшимча даромад олмоқда.

Фан-техника тараққиёти, хусусан, интернетнинг ривожланиб бориши турли соҳаларда, жумладан, банк секторида ҳам хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлиги ошишида муҳим асос бўлмоқда. Шуни ҳисобга олиб, Халқ банки томонидан мижозларга қулайликлар яратиш мақсадида интернет тармоғидан фойдаланиш йўлга қўйилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 майдаги қарорига асосан, иш берувчилар томонидан Халқ банкига тақдим этилиши лозим бўлган ходимларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига бадаллар реестри электрон манбалар ёки интернет орқали узатилмоқда. Гап шундаки, илгари ана шу бадаллар реестри қоғоз кўринишида тақдим қилинар эди. Эндиликда эса, уни бемалол ўз корхоналарида туриб, интернет тармоғи орқали жўнатишларини Халқ банки томонидан ўз мижозларига яратилган яна бир қулайлик сифатида қабул қилмоқ керак.

— Интернет тармоғи орқали реестрларни узатиш иш сифати ва унуми ошишига сабаб бўлмоқда, — дейди Жиззах шаҳридаги "Bahriddin-O" хусусий фирмаси раҳбари Баҳриддин Арифжонов. — Айниқса, вақт ва транспорт харажатларининг тежалаётганини айтмайсизми?!

Халқ банки томонидан, шунингдек, фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий қўйилган маблағларига имтиёзлар ҳам белгиланган. Аввало, фуқаролар иш ҳақларидан бир қисмини ихтиёрий равишда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига йўналтирмоқчи бўлса, бу маблағлардан, Адлия вазирлигида 2010 йил 4 июнда 2111-сон билан рўйхатга олинган "Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий равишда йўналтириладиган маблағларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзни қўллаш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ, даромад солиғи олинмасдан, уларнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиб берилади ва иш ҳақининг қолган суммасидан даромад солиғи тўланади. Қолаверса, ихтиёрий йўналтирилган маблағларга Халқ банки томонидан қайта молиялаштириш ставкасининг икки баравари миқдорида (24%) йиллик фоиз қўшиб берилади.

Яна бир муҳим жиҳати, жамғариб бориладиган пенсия таъминотига ихтиёрий равишда бадал киритган иштирокчилар ўртасида Халқ банки томонидан ҳар хил ютуқлар тиражи ўтказиб келинмоқдаки, бу ҳам мижозларнинг тизимга нисбатан қизиқишини янада оширмоқда. Чунончи, ўтган йили уч марта шундай тираж ташкил этилган бўлса, 2013 йил 1 июнь ва

### Реклама ўрнида

1 сентябрь кунлари уни давом эттириш режалаштирилган. Ютуқ сифатида мамлакатимизнинг турли дам олиш ва даволаниш оромгоҳларига жами 274 та йўлланма ажратилган. Тиражда иштирок этиш эса жуда оддий: сиз жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимига ихтиёрий равишда аъзо бўлсангиз, бас. Мабодо, иш ҳақингизнинг бир қисмини ушбу тизимга ихтиёрий равишда йўналтирсангиз, ундан даромад солиғи олинмайди, аксинча, маблағингизга Халқ банки томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасининг икки баробари миқдорида йиллик даромад қўшиб борилади.

— Яратилаётган бундай шароитлар, кўрсатилаётган эъзозу ҳурматдан ниҳоятда хурсандмиз, — дейди Хоразм вилояти, Гурлан туманидаги 5-мактаб директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Анор Маҳмудова. — Чунки жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимидаги ҳисобварағимга иш ҳақимнинг бир қисмидан ташқари, 2011 йилдан бери невараларимнинг тўйларига атаб, ихтиёрий равишда маблағлар ҳам ўтказмоқдаман. Натижада фоизлар ҳисобига даромадим ортмоқда.

Тиббиёт соҳасида кўп йиллар давомида ишлаб, пенсияга чиққан бухоролик Абдулло Муҳаммедовнинг фикрича эса, Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуни эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир юксак намунасидир.

Дарҳақиқат, Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимига ихтиёрий равишда маблағ йўналтиришнинг афзалликлари кўп. Халқ банкининг бу тизимни амалга оширишдан устувор мақсади эса битта: аҳоли, корхона ва ташкилотларга қулай ҳамда манфаатли банк хизматларини таклиф этиш, шу орқали Обод турмуш йилида халқ фаровонлиги янада ошишига муносиб ҳисса қўшишдан иборат.

**Банк матбуот хизмати.**

## Маданият хабарлари



## «Ягонасан, муқаддас Ватан!»

***Жиззах шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактабида таълим муассасаларининг ўқитувчи ва ўқувчилари ўртасида "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди.***

Танловнинг мактаблараро босқичида 1222 нафар, шаҳар ва туман босқичларида 700 нафар ҳамда вилоят босқичида 155 нафар истеъдод эгалари қўшиқ санъатининг олти йўналиши бўйича ўз иқтидор ва маҳоратларини намойиш қилишди.

Кўрик-танлов якунига кўра, Жиззах шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Ҳамидулло Турдиқулов, 2-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Жасмина Маматова, Жиззах туманидаги 7-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Мурод Ҳайдаров ғолибликни қўлга киритишди.

**Улуғбек АДИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Оила — бахт кўрғони

***Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги вилоят мусиқали драма театрида Андижон вилояти хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан "Оила" илмий-амалий маркази ҳамда соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорлигида "Бахтли оила сари" шиори остида кўрик-танлов ўтказилди.***

Андижон вилоятидаги олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талаба-қизлардан иборат жамоалар унда белгиланган шартлар бўйича беллашдилар. Якунда Андижон давлат тиббиёт институтининг "Авиценна" жамоаси ғолибликка эришди. Машинасозлик институтининг "Нурли келажак", Андижон давлат университетининг "Нафосат" жамоаларига иккинчи ва учинчи ўринлар насиб этди.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**



Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport



*Грециянинг Салоники шаҳрида ФИДЕ Гран-присининг тўртинчи босқичига старт берилди. Унда дунёнинг 12 нафар энг кучли гроссмейстери иштирок этмоқда. Жумладан, ҳамюртимиз, 17-жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов ҳам ғолиблик учун баҳсларга киришди.*

# Дастлабки ғалаба

Диққатга сазовор жиҳати, шахматчимиз ФИДЕ Гран-присининг ҳозирга қадар Лондон (Буюк Британия), Тошкент (Ўзбекистон) ва Цуг (Швейцария) шаҳарларида ўтказилган учта босқичида муваффақиятли қатнашган. Масалан, пойтахтимизда ташкил этилган мусобақада Рустам бирор марта ҳам мағлубиятга учрамаган эди.

Тўртинчи босқичда спортчимиздан ташқари, украиналик Руслан Пономарёв, Василий Иванчук, болгариялик Веселин Топалов, россиялик Александр Морозевич, Александр Гришчук ҳамда Петр Свидлер, италиялик Фабиано Каруано, АҚШлик Хикару Накамура, Гата Камски, кубалик Перес Домингес ва франциялик Этьен Бакро дона суради.

Мусобақанинг биринчи тури Рустам Қосимжонов учун муваффақиятли якунланди. Хикару Накамурага қарши оқ доналарда баҳс олиб борган шахматчимиз 69-юришдан сўнг рақибини мот қилди. Рустам кеча ўтказилган иккинчи тур ўйинлари доирасида Этьен Бакро билан қора доналарда ўйнаб, 36-юришдан сўнг дурангга эришди. Энди у навбатдаги ўйинда россиялик Александр Морозевичга қарши оқ доналарда баҳс олиб боради.

Шу ўринда маълумот сифатида айтиб ўтамиз, ФИДЕ Гран-приси 2014 йили ўтказиладиган жаҳон чемпионати учун саралаш мусобақаси ҳисобланади. У олтита халқаро турнирдан иборат бўлиб, беллашувларда жами 18 нафар энг кучли шахматчи ўзаро рақобатлашади. Ҳар бир босқичда 12 нафардан гроссмейстер ўйнайди. Шу тариқа 18 нафар шахматчининг ҳар бири Гран-при туркумига кирувчи тўрттадан турнирда қатнашади. Якунда энг кўп балл жамғарган икки нафар шахматчи номзодлар турнирига йўлланма олади. Номзодлар турнири ғолиби эса амалдаги жаҳон чемпиони — ҳиндистонлик Вишванатан Ананд билан тож учун баҳс юритади.

**Шавкат ОРТИҚОВ тайёрлади.**

# «Челленжер» турнири якунланди

*Самарқанд шаҳридаги "Динамо" теннис кортида ташкил этилган Профессионал теннисчилар уюшмаси таснифига кирувчи анъанавий "Челленжер" халқаро турнирининг ғолиб ва совриндорлари номи маълум бўлди.*



Дунёнинг 25 давлатидан келган энг кучли ракетка усталарининг бу галги беллашуви, айтиш жоизки, ўта муросасиз ва қизиқарли кечди. Яккалик баҳсларининг финалида Теймураз Габашивили ғолиб бўлди. Жуфтликда эса юртдошимиз Фаррух Дўстов украиналик Олександр Недовесов билан биргаликда бош совринни қўлга киритди. Улар ҳал қилувчи ўйинда молдовалик Раду Албот ҳамда австралиялик Жордан Керр тандемини мағлубиятга учратдилар.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# «Саломатлик» поезди — аҳоли хизматида

*"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ва "Ўзбекистон темир йўллари" ДАК ҳамкорлигида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари аҳолиси учун "Саломатлик" поезди ташкил этилди.*

## 2013 ЙИЛ — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

"Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида ўтказилаётган мазкур хайрия акцияси аҳолининг тиббий-ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, чекка қишлоқларда яшаётган аёллар ва болалар саломатлигини муҳофазалашга хизмат қилади.

"Тошкент — Сариосиё — Қумқўрғон — Бойсун — Оқработ — Деҳқонобод — Тошкент" йўналишида ҳаракатланаётган, замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган ушбу поездда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг чекка ҳудудларида истиқомат қилувчи, айниқса, эҳтиёжманд оилаларга инсонпарварлик ёрдамларини етказиб бериш, шунингдек, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда ҳудуддаги Мурувват, Меҳрибонлик, Саховат уйлари, болалар махсус мактаб-интернатлари, марказий шифохоналар ҳамда туғуруқ комплексларига ёрдам кўрсатиш кўзда тутилган.

— Хайрия акцияси доирасида даволаш-профилактика муассасаларига қиймати 287,5 минг АҚШ доллари ва 42,5 миллион сўмга тенг инсонпарварлик юклари — озиқ-овқат маҳсулотлари, пойабзал, дори-дармон, тиббиёт анжомлари ва санитария-гигиена воситалари топширилаяпти, — дейди "Саломатлик" поезди раҳбари Дилфуза Ёқубова. — Шунингдек, пойтахтимиздан келган малакали шифокорлар, "Соғлом авлод учун" жамғармасининг жойлардаги тиббий-ижтимоий патронаж гуруҳлари мутахассислари томонидан ногирон болалар, хотин-қизлар, кўп болали оилалар аъзолари, шу жумладан, чекка қишлоқларда яшаётган аёллар ва болалар тиббий кўрикдан ўтказилмоқда.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**




«Қибрай» клиник санаторийси

юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган сиҳатгоҳдир. Бу ерда 2 нафар профессор, олий тоифали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа етук мутахассислар тиббиётнинг энг илғор усуллари асосида беморларни даволайдилар.

Сиҳатгоҳда сауна, бассейн, фитобар, теннис корти, бильярд ва яна кўплаб қулайликлар мавжуд. Яшаш хоналари кабель ТВ ва маиший электр асбоблари билан жиҳозланган.

Ошхонада 5 маҳал парҳез таомларни ўз ичига олган таомнома тавсия қилинади.

Манзилимиз:

Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай қўрғони. Метронинг «Буюк Ипак йўли» бекатидан 101-автобус ёки 135-йўналишли таксида «Дача» бекатигача бориш мумкин.

Тел.: (8-371) 286-02-00, 286-01-97, 286-01-46.

735АА/444

● Реклама ва эълонлар ●

Qishloq Qurilish Bank

ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»

«VISA» халқаро тўлов тизимига мослаштирилган 10 дона стационар ва 20 дона мобиль савдо терминалини

сотиб олиш юзасидан танлов эълон қилади.

Таклифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 кун давомида қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уй. Телефонлар: (+99871) 150-76-47, 150-76-48. plcard@qqb.uz

823R/121

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача 232-11-15, 236-09-25. E-mail: reklama@xs.uz

02



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 554. 114 475 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ф. Бўтаев.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.45 1 2 3 4 5